
ЖАРАЁН

#Куз_қишга_тайёргарлик

#Яшил_макон

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва мавсумни беталофат ўтказиш бўйича Қўштепа туманидаги барча сектор штабларида кунлик йиғилишлар ўтказилди.

Йиғилишда ўтказилган ўрганишлар яқунлари таҳлил қилинди. Аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқ ва вазифалар ҳамда келгуси режалар белгилаб олинди. Шунингдек, сектор раҳбарлари томонидан бугун ишчи гуруҳ аъзолари билан бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам режага асосан келишиб олинди.

Сектор раҳбарлари томонидан ҳудуддаги ижтимоий объектлар, аҳоли хонадонлари ҳамда коммунал соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш ҳамда “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2023-11-08 08:53:05